



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№1

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:
и.ф.д. Ф.А.Сафаров
катта ўқит. Ш.З.Ўразов

Техник муҳаррир:
и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

Корректор:
PhD С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.**

Таҳририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темура кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти в.б., DSc

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Комил Бахрамович Уразов, Лобар Джафаркуловна Алиева Корхоналар соф активларидаги ўзгаришларга аудиторлик баҳосини бериш	160
БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Хуббим Аскарлович Улашев Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш орқали камбағалликни қисқартиришга эришиш чоралари	167
Ашур Али Рустам ўғли Латипов Иқтисодиётнинг турли соҳаларида ўзини ўзи банд қилиш билан боғлиқ хизматларнинг асосий йўналишлари	172
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Ithom Begmatdulobovich Mattiyev Talabalarda salomatlikni ta'minlash jarayonida jismoniy tarbiya va sog'lomlashtirishga bo'lgan dunyoqarash omillari	178
Акмал Алимжонович Салимов Таълим тизимини самарали бошқаришда “умр давомида таълим” концепциясининг ўрни	182
Sherzod Alimardonovich Kuldashev Та'lim xizmatlari bozorida oliy ta'lim muassasalari raqobatbardoshligini oshirishning muhim omillari	186
Mirzabek Kulmamatovich Jonuzokov O'zbekiston oliy ta'limida investitsiyaviy jozibadorlik: muammo va yechimlar	191
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Мамаюнус Пардаев, Мурод Муҳаммедов Таълим соҳасида Япония ва Хитой тажрибаларидан айрим битиклар	197

ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР

Таълим соҳасида Япония ва Хитой тажрибаларидан айрим битиклар¹

- Японияда таълим тизими ёшлигидан ўқувчиларни фикрлашга, фанларни тез ва осон ўзлаштиришга, озодаликка катта аҳамият беришликка, ўзаро бир-бири билан дўстона муносабатларни шакллантиришга, катта тарбия пойдеворини айнан шу ёшлик пайтида шакллантиришга катта аҳамият берилди.
- Японияда бошланғич синфларга токи олтинчи синфгача асосий эътиборни тарбияга қаратиб, уларга "Ахлоқ томон йўл" дастури остида дарс ўтилар экан. Бундай дарсларда ўқувчилар фақат ахлоқни ва кишилар билан муомалани ўрганишар экан.
- Япония мактабларида биринчи синфдан учинчи синфгача имтиҳон бўлмас экан. Чунки бу вақтда ўқитишдан мақсад, болаларни ёшлигидан тарбия қилиш, тушунчаларини кенгайтириш ва шахсиятни шакллантиришга қаратилар экан.
- Японлар шунчалик бой бўлишига қарамасдан улар уйларига хизматкорлар ишлатмас экан. Уй ва болаларнинг ҳамма масалаларига ота-она масъул экан.
- Япон ўқувчилари устозлари билан бирга хар куни 25 дақиқа мактабни тозалаш билан шуғулланишар экан. Бу уларни тозалликка масъул бўлиб, камтарин бўлиб ўсишларига ёрдам берадиган кўникмани шакллантириб борар экан.
- Япон ўқувчилари мактабга ўзлари билан зарарсизлантирилган тиш чўткасини олиб боришар экан. Овқатдан сўнг тишларини, овқатланган идишларини ўзлари ювишар экан. Улар ёшлиқдан саломатликларига эътиборли бўлишга кўниктирилар экан.
- Японияда ўқувчиларни юртнинг келажаги деб билишар, уларни химоя қилиш лозим деган кучли эътиқод шаклланган экан. Шу туфайли мактаб мулозимлари ўқувчилардан ярим соат олдин овқатланишар экан. Бу билан овқат болаларга зарар берадими йўқми, шунга аниқлаб беришар экан.
- Японияда бирорта касбга оддий кўз билан (бизнинг тилда айтадиган бўлсак паст назар билан) қаралмас экан. Хусусан фаррошларни "саломатлик муҳандислари" дейишар экан. Уларга 5000 дан 8000 долларгача маош беришар экан. Улардан ҳам малака талаб қилинар экан. Уларни ишга олишдан олдин ёзма ва оғзаки имтиҳондан ўтказишар экан.
- Япония мактабларида асосий эътибор тарбия ва таълимга берилганлиги туфайли улар ўртасида ишқий-романтик муносабатларга йўл қўйилмас экан.
- Япон мактаблари ўқувчилари мактаб буфетига кирмас экан. Синфхоналарга давлат томонидан рацион бўйича уюштирилган овқатлар олиб келинар ва ўқувчилар уларнинг ҳаммасини ейишга мажбур ҳисобланар экан.
- Японияда вақт жуда қадрланар экан. Мисол учун, поезднинг кечикиш ўлчами йилида 7 сония экан. Улар учун вақт жуда қимматли ҳисобланиб, сония ва дақиқаларгача катта аҳамият берилар экан.
- Япон мактабларида ёзги каникул берилмайди. 5 ҳафталик таътиллар ўқув йили даврида берилар ва ўша даврда ҳам ўқитувчилар ўқувчилар билан муттасил шуғулланиб келар экан.
- Мактабда фаррош йўқ, бу вазифани ўқувчиларнинг ўзлари бажарар экан. Шунинг учун ҳам ўқувчилар ҳеч қаерга ортиқча нарсалар ташламасликка ва мактабни ифлос қилмасликка ҳаракат қилишар экан.
- Японияда ўқувчиларнинг турли-туман соч турмаклари ва лак-бўёқларга рухсат этилмайс экан.
- Японияда ўқувчиларга бошланғич синфда кийиниш эркин. Фақат бошланғич синфдан кейин форма кийишга ўтказишар экан.

¹ Ушбу масалага оид айрим фикрлар телеграмнинг @PATRUL_Uz ва @konspektor каналларида берилган маълумотлардан ҳамда Япония таълимини кузатган кишилар фикрларга таянилган ҳолда шакллантирилди.

- Ҳар бир япон ўқувчиси вазиятдан келиб чиқиб, сузишни билиши шарт экан! Мактабларда ташкил этилган бассейнларда ҳаммага сузиш дарслари ўтилади ва улар бу санъатни жуда яхши эгаллаган бўлишлари шарт экан. Синовдан ўта олмаган ўқувчи бошқа ўқитувчида қайтадан машғулотларни ўтиб, кейин такрорий синовдан ўтказилар экан.
- Мактабда бир ўқувчининг ўз иқтидори билан алоҳида ажралиб туришига йўл қўйилмас экан. Чунки ушбу давлатда "Иқтидорсиз ўқувчининг ўзи йўқ!" деган тушунча япон таълим тизимида устувор экан.
- Япон мактаби ҳар бир ўқувчини тенг ва бетакрор деб билади ва уларни ҳар тарафлама ўз иқтидори ва қизиқишига қараб, тайёрлашга йўналтирилар экан.
- Японияда таълим тизими ҳар бир ўқувчини ўта масъулиятли қилиб тарбиялашга қаратилган. Умуман бир-бирига овозни баланд қилиб гаплашмас экан. Чунки ўқитувчилар ҳам бунга қатъий амал қилар экан.
- Японияда болаларга ёшлигидан ахборот технологиялардан самарали фойдаланиш, робота техникаларни яратиш ва улардан фойдаланиш кўникмаси билан улғайтирар экан.
- Мана Японияда таълим ва тарбия бўйича тажрибасининг айрим жиҳатлари бида танишдик. Бизнинг таълимга нисбатан қандай устунликлари борлигини ҳар бир киши қийинлаш имкониятига эга. Чунки ҳамма ўқитувчи бўлмаса-да, болаларини ўқитган, ўқитаяпти. Шундан келиб чиқиб, болаларга, мактабларга бўлган ўз муносабатларимизни ўзгартирсак, ўйлайманки тегишли самарани қўлга киритишга муваффақ бўламиз.
- Келажакда бола ким бўлишини ҳали англамаган бўлади. Шу туфайли ўқишга ҳам муносабати “ҳаминқадар”. Бундай шароитда ўқувчига тушунтирар экан. Агар ўқисанг ҳаётинг яхши бўлади, ўқимасанг бутун умрнинг давомида оғир меҳнат қилиб яшайсан. Бола бундай насиҳатларни олмаса, уни жазолашга ўтар экан. Бунинг учун бир қўлига ручкани ва иккинчи қўлига 2 та ғишни ушлашиб кўтартириб қўяр экан.
- Маълум вақт ўтгач, боладан сўрар экан. Ўқисанг қўлингга ручка бўлади, ўқимасанг ғишт. Қайси маъқул. Энди танлашни боланинг ўзига қўйиб қўяр экан. Бола албатта ўқишни танлайди. Чунки фақат ғишт кўтариб маълум муддат турганда шунча қийналган бўлса, умр бўйи ғишт кўтариш қанчалик оғир эканлигини ҳис қилар ва тасаввур қилиб, ўқишга чин кўнгилдин, шижоат билан киришар экан.
- Бундай тарбиянинг натижаси – бугунги кунда Хитой дунёдаги энг тез ривожланаётган давлатлар қаторида турганлиги бўлса керак, деб тахмин қилмоқдамиз.
- Ўзимизга бир назар солайлик. Агар бизда муаллим ўқувчисини жозалайдиган бўлса, ота-оналар ўқитувчини қарғаб, мактабга жанжал қилиб келадиганлари ҳам йўқ эмас. Кейин мактабларимизда жисмоний зўриқтириб жазолаш тартиблари ҳам жорий қилинмаган. Бундан фойдаланиб, ҳали шакланмаган аксарият болалар билганини қилишади.
- Балки, шунинг учун ҳам бугун биз бутун дунёга энг арзон ишчи кучини етказиб берадиган давлат бўлиб қолдикми? Бундан тегишли хулоса чиқариб олишимиз лозим бўлади.
- СССР пайтида айтар эдик, ўзбекистонликлар пахта даласидан чиқмайди, шу туфайли уларнинг болалари “тупой”, деган иборани бемалол ишлатар эди. Бу ҳақиқат. Эндичи бу “жангдан” қутилганимизга ҳам 30 йилдан ошдику, ҳамон тўлиқ ўнiglана олган эмасмиз. Бизнингча ҳозир болаларимиз “телефон куршовида” қолиб кетмоқда. Асосий вақтини шунга сарфлагани туфайли, аксарият болаларимиз ҳаман олдингидек бўлиб қолмоқда.

Мамаюнус Пардаев, Мурод Муҳаммедов – СамИСИ профессорлари, иқтисодиёт фанлари докторлари

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

06.03.2024 йилда теришга берилди. 29.03.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0024А/30.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.